ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 7 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-125-134

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИРИ

Файзуллажон Косимов
Чирчиқ давлат педагогика институти тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Ҳар қандай давлатнинг инновацион тараққиётдаги муваффақияти кўп жиҳатдан унинг инновациялар соҳасида давлат сиёсатини нечоғлиқ самарали олиб бориши ҳамда инсон капиталини сифатли шакллантиришига боғлиқ. Инсон капитали инсониятнинг ва ҳар бир давлатнинг тақдирини белгилайдиган асосий мезонига айланди. Инсон капитали - инсон ва умуман жамиятнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган билимлар, малакалар ва кўникмалар тўпламидир. Ушбу мақолада миллий қадриятлар инсон капитали ривожланишига қандай таъсир қилиши таҳлил этилган.

Калит сўзлар: инсон, капитал, инсон капитали, таълим, қадрият, миллий қадрият, ривожланиш, ўзгариш.

THE IMPACT OF NATIONAL VALUES ON HUMAN CAPITAL DEVELOPMEN

ABSTRACT

The success of any state in innovation development largely depends on its effective conduct of public policy in the field of innovation and the qualitative formation of human capital. Human capital has become the main criterion that determines the fate of mankind and each state. Human capital is a collection of knowledge, skills and skills used to meet the diverse needs of Man and society as a whole. This paper analyzes how national values affect human capital development.

Keywords: human, capital, human capital, education, value, national value, development, change.

КИРИШ

Замонавий шароитда Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардош афзалликлари ва уни модернизация қилиш имконияти инновация билан узвий боғлиқ бўлиб, асосан тўпланган ва амалга оширилган инсон капитали билан белгиланади. Шу жиҳатдан билимга асосланган иқтисодиётда барқарор иқтисодий, ижтимоий, маданий ва табиий ривожланиш учун зарур бўлган юқори сифатли инсон капиталини яратиш жуда муҳимдир. Бу эса инсон капитали ҳолатини ўрганишни, ҳам баҳолашни талаб қилади.

Албатта, глобаллашув шароитида янгиланиш ва юксалишлар ҳар бир соҳада интерациялашув, инновацион тафаккурни ва уларга асосланган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-125-134

жамоавий уйғунлашув ҳамда инновацион муҳитни талаб этади. Шу сабабли ҳам давлатнинг инновацион ривожланишининг устувор йўналишларидан бири бу инсон капиталини шакллантириш ва такрор ишлаб чиқариш учун мақбул шароитларни яратишга қаратилган институционал ислоҳотларнинг зарурлигидир.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда жамиятнинг инсон капиталининг ўсиши, асосан илм-фан, таълим ва соғлиқни сақлашнинг инсон салоҳиятини ривожлантирадиган юқори технологияларни яратиш устувор аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Айтиш керакки, миллий қадрият – миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан ўзбек халқи миллий, маънавий қадриятлар ва ахлоқ одобга бағишланган махсус теран таълимотларнинг меросхўридир. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббат ул-хақойиқ” асарлари, Кайковуснинг “Қобуснома”, Бурҳониддин Марғинонийнинг етти китобдан иборат “Ҳидоя, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” номли одоб-ахлоқ меъёрларини батафсил ёритиб берган асарлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини, долзарблигини йўқотмаган.

Мамлакатимиз олимларидан академиклар И.Мўминов, Э.Юсупов, С.Шермуҳамедов, М.Хайруллаев, Ж.Туленов, М.Баратов, А.Валиев, профессорлар О.Файзуллаев, А.Жалолов, Қ.Хоназаров, Ҳ.Аликулов, Р.Носиров, А.Шарипов, Х.Шайхова, М.Холматова, Т.Маҳмудов, Қ.Назаров, Г.Маҳмудова, Ш.Мадаева каби олимлар қадрият, миллий қадриятлар, маънавият, миллий маънавиятимиз бойликлари бўлган мутафаккирлар меросларини ўрганишга оид тадқиқотлар олиб боришган.

Инсон капитали тушунчаси биринчи марта 1958 йилда америкалик иқтисодчи Жейкоб Минсер томонидан "Инсон капиталига инвестициялар ва шахсий даромадларни тақсимлаш" мақоласида қўлланилган [9.18]. Кейинчалик 1961 йилда Теодор Шульц [10], 1964 йилдан эса Гари Беккерлар [11] томонидан инсон капитали концепциялари ишлаб чиқилган.

НАТИЖАЛАР

Миллий қадриятларга оид муҳим натижалардан бири академик И.М.Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги ўрни ва роли»

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-125-134

рисоласи бўлиб, у тарихий меросга миллий қадрият нуқтаи назаридан қарашнинг ёрқин намунасидир.

Ҳ.П.Пўлатовнинг «Сизни яхши кўрар эдим, одамлар», «Мустақиллигимиз қадриятлари», О.П. Умурзоқованинг «Умуминсоний қадриятлар: миллий анъана ва урф-одатлар такомиллашмоқда», Ҳ.А.Аликуловнинг «Нақшбандия қадриятлари», А.Жалоловнинг «Мустақиллик фалсафаси ва фалсафа мустақиллиги», айниқса Ф.Темиров ва С.Назароваларнинг «Жамият ва қадриятлар», Э.Ю.Юсуповнинг «Қадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти» рисолаларини, Х.О.Шайхова ва Қ.Назаровларнинг «Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот» китобларини кўрсатиш лозим. Шу билан бирга Қ.Ҳ.Хоназаровнинг «Миллий ўзликни англаш ва умуминсоний қадриятлар» мақоласи, олимнинг кейинги йилларда чоп этилаётган бир қатор бошқа ишларида, А.М.Жалоловнинг «Мустақиллик масъулияти» китобида, Б.Р.Каримов ва Б.О.Тўраевларнинг «Оқилона қадрият мўлжаллари» рисоласида мавзунинг бир қатор жиҳатлари таҳлил қилинган.

Х. Қодирова ўзининг “Миллий қадриятлар ва маънавий мероснинг жамият ҳаётидаги ўрни” номли мақоласида: “Ўзбекистон халқи умуминсоний ва миллий қадриятларга таянади. Буларнинг бири иккинчисини инкор этмайди» дея таъкидлайди.

Инсон капитали назариясининг асосларини яратгани учун 1979 йилда Теодор Шульц, кейинроқ унинг шогирди Гари Бекер 1992 йилда Иқтисодиёт бўйича Нобел мукофотига сазовор бўлишган. 1971 йилда иқтисодиёт бўйича Нобел мукофотини олган Семён Кузнец инсон капитали назариясини яратишга катта ҳисса қўшди [12].

МУҲОКАМА

Маълумки, бугунги кунда замонавий дунё тараққиётининг динамикаси асосан инсоннинг инновацион, ижодий фаолияти, фан, техника ва технологияларнинг ривожланиши билан белгиланади. Шу билан бирга амалга оширилаётган ислоҳотларда миллий ва маънавий қадриятлар алоҳида ўрин тутади. Айтиш жоизки, миллий қадрият деганда, энг аввало, тарихий синовларга бардош берган, халқимизнинг миллий манфаатларини ўзида тўлиқ мужассамлаштирган, замонавий тараққиёт талабларига бутунлай жавоб бера оладиган, асрлар ўтгани сайин қадр-қиммати ортиб борадиган ғоялар тушунилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-125-134

Дарҳақиқат, ҳаёт ривожланиб бораркан, қадрият ҳам такомиллашиб, мукаммаллашаверади. Шу сабабли даврлар силсиласида қадриятлар шакли, хиллари маълум бир маънода ўзгариб туриши мумкин. Аммо қадриятлар борки улар шаклу-шамойилини ҳам, мазмун-моҳияти ва қадр-қимматини ўзгартирмайди. Уларга таълим, билим ва илм-фанни киритиш мумкин. Албатта, билим ҳеч бир бойликка сотиб олинмайдиган, фақат ўрганиш, интилиш орқасидан келадиган катта хазина ҳисобланади.

Эндиликда билим, таълим қиймати “инсон капитали” атамаси билан аталиб келинади. Шу вақтга қадар адабиётларда инсон капитали тушунчаси асосан бирёқлама, яъни инсон капитали инсоннинг ўзига бевосита келадиган фойда ёки шахсни ижтимоий ҳимоялаш имконияти сифатида тушиниб келинди. Инсон капитали орқали фақат биргина инсоннинг ўзига эмас, балки бошқаларга ҳам наф келтириши мумкин. Бу эса, миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда амалга оширилиши зарур.

Хўш, инсон капитали нима? Инсон капиталини ривожлантириш нима учун керак?

Бугунги кунда инсон ва унинг қобилиятлари, билимлари, кўникмалари ҳар қандай жамият равнақи ва давлатнинг иқтисодий ривожланишининг асосий омилига айланди. Шунинг учун жамият тараққиётининг муҳим омили бўлган "инсон капитали" нинг моҳияти баъзи иқтисодчилар томонидан "ҳамма эгаллаган билим, кўникма ва мотивация заҳираси" сифатида талқин этилади [2]. Аслида, бу капитал сифатида намоён бўлади, чунки у келажакдаги даромад манбаи ҳисобланади. Бу инсон капитали, чунки у инсонга хос бўлиб, унинг ажралмас қисмидир.

Дастлаб, инсон капитали деганда фақат инсоннинг меҳнат қобилиятини оширадиган инвестициялар йиғиндиси - таълим ва касбий маҳорат тушунилган. Инсон капитали кенг маънода иқтисодий ривожланишнинг интенсив ишлаб чиқариш омили, жамият ва оила ривожи, билимлар, интеллектуал ва бошқарувчи меҳнат воситалари, аҳоли саломатлиги ва яшаш муҳити, замонавий малакали кадрларнинг юксак салоҳиятидир [5, 19]. Шу жумладан, ривожланишнинг самарали омили сифатида инсон капитали меҳнат ресурслари, билимлари, интеллектуал ва бошқарувчи меҳнат воситалари, яшаш муҳити ва меҳнат фаолияти воситаларининг ўқимишли қисми, самарали ва самарали бўлишини таъминлайди.

Г.Бекернинг сўзларига кўра, «Инсон капитали - бу ҳар бир инсонда мавжуд бўлган билим, кўникма ва мотивация заҳираси. У таълимга, ишлаб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-125-134

чиқаришга ўқитишга, соғлиқни сақлашга, миграцияга, нархлар ва даромадлар тўғрисидаги маълумотларни тўплашга сарфлаш шаклида инсон инвестициялари (узоқ муддатли капитал қўйилмалар) орқали шаклланади» [8]. Дарҳақиқат, таълим, саноат тажрибасини тўплаш, соғлиқни сақлаш, маълумот олиш инсон капиталига инвестицияларни англатади. Шу сабабли ҳам бугунги кунда инсон ва унинг қобилиятлари, билимлари, кўникмалари ҳар қандай жамият равнақи ва давлатнинг иқтисодий ривожланишининг асосий омилига айланди.

Инсон капитали тушунчаси анча кенг маънога эга - бу иқтисодиётни, жамиятни ва унинг бошланғич уяли оиласини, ишчи кучининг ўқимишли қисмини, бутун ҳаёт ва меҳнат давомида ақлли бошқариш қобилиятини интенсив ривожлантирадиган асосий кучдир. Шу жиҳатдан «инсон капитали - ҳар қандай мамлакат ва давлат иқтисодиётининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган, ҳукумат органлари, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятига кучли таъсир кўрсатадиган омил бўлган тўпланган қобилиятлар, кўникмалар ва мақсадлар тўплами» [5, 6].

Иқтисодий адабиётларда инсон капитали - бу соғлиқни сақлаш, билимлар, кўникмалар, қобилиятлар, мотивацияларнинг маълум бир захираси сифатида инвестициялар натижасида шаклланиб, шахс мақсадга мувофиқ равишда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳасида фойдаланади. "Инсон капитали" атамасининг таърифида энг кўп учрайдиган тушунчалар бу билим, кўникма, қобилиятдир.

Таъкидлаш керакки, таълим ва касб-ҳунар таълими инсоннинг билим даражасини оширади, яъни инсон капитали ҳажмини оширади. Соғлиқни сақлаш касалланиш ва ўлимни камайтиради ва инсоннинг умрини оширади. Миграция ва маълумот излаш ишчи кучи иш ҳақи юқори бўлган жойларга ва тармоқларга, яъни инсон капитали нархи юқори бўлган жойларга олиб боришига олиб келади

Ҳақиқатан ҳам, инсон капиталини ривожлантирмасдан туриб, инновацион тараққиётга эришиш мумкин эмас. Таниқли иқтисодчи олимларнинг фикрича, инсон капиталига инвестиция киритишга нисбатан бепарволик мамлакат рақобатбардошлилигини кескин пасайтириб юбориши мумкин. Мамлакат иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши учун истеъдодли одамларни тарбиялаш талаб этилади [7].

Албатта, инсон капитали тушунчаси замирида инсон ва унинг қобилиятлари мажмуаси ётади. Инсон капитали тўғрисидаги ғоялар фойдали иш унумдорлигини ошириш аввало шахснинг ишчанлигини ва маҳоратини ошириш ҳамда машина ва асбоб ускуналарни такомиллаштириш билан боғлиқ

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-125-134

эканлигини кўрсатмоқда. С.А. Курганский асарларида инсон капиталига: “жисмоний шахслар томонидан инвестициялар ва жамғариш натижасида шаклланган билим, кўникма ва бошқа фазилатлар тўплами, агар улар тегишли равишда ишлатилса, янги қиймат ва даромад оқимини келтириб чиқаради” [6] деб таъриф келтирилган.

Ҳозирда Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилаётган барча ислоҳотлар инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мамлакатимизда рақамлаштириш жараёнлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Шунингдек, рақамлаштириш жараёнлари жамият ҳаётининг барча соҳаларида содир бўлмоқда. Хусусан, инсон учун энг муҳим соҳалар иқтисодиёт, таълим ва тиббиётдир.

Айтиш керакки, бугунги кунда ёшларнинг янги авлоди ўсиб улғайган - техник тафаккурга эга рақамли авлод, улардан гуманистик элемент чиқариб ташланган. Илм-фан инсон ҳаёти учун янги муҳит яратади. “Санъат сингари, илм-фан нафақат инсоннинг маданий машғулотидир. Илм - бу бизга кўринадиган ҳамма нарсани қандай қилиб ҳал қилувчи усул. Шунинг учун айтишимиз керак: бугунги инсон ҳаракатланадиган ва қолишга интилаётган ҳақиқат тобора кўпроқ фан деб аталадиган нарса билан белгиланади» [3, 239].

Маълумки, давлатимиз раҳбари илгари янги тизим асосида ижтимоий, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Беш ташаббус доирасида у ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат ва спортга кенг жалб қилиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёш авлод ўртасида китоб ўқишни тарғиб қилиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларига эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш долзарб масала. Ёшларнинг маънавияти қанчалик баланд бўлса, уларнинг ёт ҳодисалар ва ғояларга нисбатан иммунитети шунчалик кучлироқ бўлади. Албатта, бундай ишлар инсон капиталини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш керакки, соғлиқни сақлаш, билим ва кўникмаларни ўз ичига олган инсон капитали XX асрда дунёнинг кўплаб мамлакатларида, хусусан Осиёда иқтисодий ўсиш ва қашшоқликни камайтиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатимиз Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб инсон капиталини ривожлантириш лойиҳасини қўллаб-қувватламоқда [7].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-125-134

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда миллий қадриятлар муҳим рол ўйнайди. Бу жуда мураккаб жараён. Қийинчилик шундаки, миллий ва умумбашарий қадриятлар мураккаб билимлар тизими, дунёқараши, урф-одатлари, урф-одатлари, маросимлари, ҳиссиётлари ва бошқаларнинг бой арсеналини қамраб олади. ҳақиқий дунё ягона бўлган шароитда ва улар ҳақидаги фикрлар ва қарашлар.

Бошқа томондан, миллий ва умуминсоний қадриятлар турли йўналишларга эга: анъаналар, маросимлар, урф-одатлар, одатларни ўз ичига олган фалсафий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, психологик, педагогик, тиббиёт, адабий, меъморий, санъат тарихи, диний таълимот қоидалари, фикрлари, мақоллари, сўзлари, қарашлари ва бошқа миллий ҳамда умумбашарий дурдоналар. Ва ҳар бир тарихий даврда улар шиор, мурожаат, низом, кўрсатмалар сифатида ҳаракат қилишади ва қонуний тартибда хизмат қилишади, бунга риоя қилиш ҳамма учун мажбурийдир. Улар тартиб, гўзаллик ва яхши фазилатларни инсон ҳаётига ва умуман жамиятга олиб келади. Шундай қилиб, миллий ва умумбашарий қадриятлар инсонни илмли қиладиган, поклайдиган, ҳақиқат йўлига йўналтирадиган, доноликка чорлайдиган, қадрли, мазмунли, ҳамма учун фойдали, ноёб, ўрнак ва муқаддас бўлган ҳамма нарсани ўз ичига олади. Келажакда бир хил ажойиб дурдоналарни яратиш учун ўрганиш ва билим олиш зарурлиги уларнинг педагогик аҳамиятидир.

Миллий қадриятлар - бу муайян этник жамоалар вакилларининг тарихий ўзига хослигини акс эттирадиган маънавий идеаллари тўпламидир. Улар бир хил миллатга мансуб кишиларнинг хатти-ҳаракатлари учун ижтимоий ва меъёрий-маданий аксиомалар вазифасини бажарадилар [6]. Демак, ёш авлодни тарбиялашда ижтимоий-тарихий хусусиятга эга бўлиб, шахсни оилага таништириш воситаси бўлган ва шу билан индивидуал мавжудлик вақтинчаликлигини энгиб ўтишга имкон берадиган қадриятлар муҳим рол ўйнайди. Қиймат-семантик мазмун "таянч пункти танловини", яъни дунёқараш кўрсатмаларини шакллантиришнинг энг муҳим моментидир.

Дарҳақиқат, ҳаёт ривожланиб бораркан, қадрият ҳам такомиллашиб, мукаммаллашаверади. Шу сабабли даврлар силсиласида қадриятлар шакли, хиллари маълум бир маънода ўзгариб туриши мумкин. Аммо қадриятлар борки улар шаклу-шамойилини ҳам, мазмун-моҳияти ва қадр-қимматини ўзгартирмайди. Уларга таълим, билим ва илм-фанни киритиш мумкин. Албатта, билим ҳеч бир бойликка сотиб олинмайдиган, фақат ўрганиш, интилиш орқасидан келадиган катта хазина ҳисобланади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-125-134

Шу сабабли хам эндиликда билим, таълим қиймати “инсон капитали” атамаси билан аталиб келинади. Шу вақтга қадар адабиётларда инсон капитали тушунчаси асосан бирёқлама, яъни инсон капитали инсоннинг ўзига бевосита келадиган фойда ёки шахсни ижтимоий ҳимоялаш имконияти сифатида тушиниб келинди. Инсон капитали орқали фақат биргина инсоннинг ўзига эмас, балки бошқаларга ҳам наф келтириши мумкин. Бу эса, миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда амалга оширилиши зарур.

Дарҳақиқат, жамиятдаги мавқеини англаб, янги хулқ-атвор услубини ўзлаштирган инсон ўзининг шахсий инсон капиталини тўплашга алоҳида аҳамият беради. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, шахсий инсон капиталининг тўпланиши ҳар бир шахснинг шахсий хусусиятларига ва мавжуд ижтимоий институтларга боғлиқ бўлиб, бу тўпланиш мураккаб, узоқ ва қиммат жараёндир. Инсон капиталини тўплашда инсон салоҳияти ва тегишли капитал ажратиб кўрсатилади; инсон салоҳияти заҳира сифатида мавжуд бўлиб, фақат иқтисодий фаолият жараёнида ўзини намоён қиладиган инсон капитали бўлиш имкониятининг бир тури сифатида ишлайди.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг келажакдаги ривожланиши илм-фан, илмий, ижтимоий ва гуманитар технологияларга асосланган бўлади. Сўнгги икки-уч йил ичида миллий бойликнинг ажралмас қисми бўлган инсон капиталини ривожлантиришга тобора кўпроқ эътибор берилмоқда. Буларга ижтимоий ҳимоя, инсон саломатлиги, оилавий муносабатлар яхшиланиши, туман муассасалари фаолияти яхшиланиши ва таълим тизимидаги туб ўзгаришлар киради. Демак, ҳозирги вақтда инсон капитали янги билимларнинг эвристик табиати билан боғлиқ бўлган интеллектуал капитал шаклини олади. Ва ёш авлод замонавий интеллектуал капиталнинг ташувчисига айланмоқда, унда ноёб қадриятлар, янги туртки тури, янги алоқа турлари ва янги кўникмалар (шу жумладан рақамли) фаол шаклланмоқда.

Умуман олганда, инсон капиталини тўплаш тарбияга сармоя киритишдан бошланади, яъни оилада ота-она фарзандининг туғилиши билан унга маблағ қўйиши зарур. Фарзандларни тарбиялаш жуда кўп маблағ талаб қилади, аммо айни пайтда болалар ота-оналарнинг қониқиш манбаидир. Яъни, ҳаёт жараёнида одам ўзини ҳаракатга келтиради, гўё бирон бир "фойдали" иш билан шуғулланади ва ўзларининг инсон капиталининг таркибий қисмларидан -

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-125-134

таълим, соғлиқни сақлаш, бўш вақт, тарбияни ўзаро бир-бирини мустаҳкамлаб турадиган эркин энергияни "ажратиб" олади.

Умуман олганда, ҳозирда Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилаётган барча ислоҳотлар инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган. Бу эса нафақат бизнинг мамлакатда балки жаҳонда ҳам сўнгги икки, уч йилда умуммиллий бойликнинг ажралмас қисми ҳисобланган инсон капитали ривожига эътибор кучайди. Натижада инсон капитали тушунчаси анча кенг маънода, яъни иқтисодиёт, жамият ва унинг бошланғич ячейкаси оилани интенсив ривожлантирувчи, меҳнат ресурсларининг билимли қисми, ҳаёти ва меҳнат фаолияти давомида интеллектуал бошқариш қобилиятига эга бўлган асосий кучга айланди. Шу сабабли ҳам бугунги кунда замонавий дунё тараққиётининг динамикаси асосан инсоннинг инновацион, ижодий фаолияти, фан, техника ва технологияларнинг ривожланиши билан белгиланади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. -Б.10.
2. Замонавий фалсафий атамаларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: «Университет», 2018. –Б.31.
3. Курносова Е.А. Обеспечение конкурентоспособности предприятий сферы услуг: формирование инновационного поведения // Российский экономический интернет-журнал. 2009. №1, -С.598–607.
4. Подборнова Е.С., Тюкавкин Н.М. Разработка методических подходов к оценке конкурентоспособности // Общественные науки. 2011. №6, -С.386–393.
5. Шапкин И.Н. Человеческий капитал: теория, исторический опыт и перспективы развития. - Москва, 2017.
6. Курганский С.А. Человеческий капитал: сущность, структура, оценка / Иркут. гос. экон. акад. - Иркутск, 1999. - 287 с
7. Шоумаров Д. Инсон капитали ўз-ўзидан юзага чиқмайди. uzlidep.uz/news-of-party/3127., 04.05.2021.
8. Беккер Г.С. Человеческое поведение: экономический подход: избранные труды по экономической теории. – М.: ГУ-ВШЭ, 2003.
2. Сайфуллина Л.Д. Управление человеческим капиталом в системе цифровых экономических отношений // Фундаментальные исследования, №11, 2018. - С.94.
10. Хайдеггер М. Время и бытие. – Москва, 1993. - С. 239.
11. Гаффарова Г. (2020). Человеческий капитал в условиях цифровизации Узбекистана. Интеллектуальная культура Беларуси: духовно-нравственные традиции и тенденции инновационного развития: материалы Пятой междунар. науч. конф. Т.2. – Минск: Четыре четверти, –С.72-75.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-125-134

10. Ғаффарова, Г., & Қодиров, Б. (2020). Рақамлаштириш - инновацион ривожланиш омили сифатида. Academic Research in Educational Sciences, 1 (2), 104-112.
11. https://kun.uz/news/2018/10/11/uzbekiston-inson-kapitalini-rivozlantiris-lojiasini-kullab-kuvvatlovci-27-davlat-katoriga-kusildi
12. Человеческий капитал: теория, исторический опыт и перспективы развития: монография / кол. авторов ; руководитель проекта д-р экон. наук, проф. И.Н. Шапкин. — Москва: РУСАЙНС, 2017. - 282 с.
13. Бауман З. Образование – при, для и несмотря на постмодернити // Высшее образование в России, 2004. № 4.
14. Gaffarova, G.G. (2020), Structural transformations as a faktor new development opportunities // Scientific Bulletin of Namangan State University. –T.1. –№10, -C.185-190.
15. Ғаффарова, Г., & Абдуллаева, М. (2020). Тасаввуфнинг когнитив тизими замонавий фалсафа призмасида. Academic Research in Educational Sciences, 1(3), 102-114.
16. G.G Gaffarova, N.Z. Saydaliyeva. (2020). The influence of social networks on youth thinking and activity. JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal. 6 (5), 105-108.
17. G. Makhmudova, G. G‗affarova, G. Jalalova (2020). O‘zbekistonda islohatlar jarayonini tahlil etish va amalga oshirishning konseptual-falsafiy metodologiyasi. 176 b.
18. Г.Ғаффарова, А.Абдуллаев. (2021). АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic research in educational sciences. Special Issue 2.
19. Gaffarova, G. G., & Abdullaeva, M. N. (2021). Cognitive system of sufism. ISJ Theoretical & Applied Science, 02 (94), 38-42.
20. Г.Ғаффарова, МАбдуллаева. Таркибий ўзгаришларнинг бифуркацион асоси. Academic research in educational sciences. 2021. №1.
21. Gaffarova, G. (2019). Murakkab tizimlarda ahborot generacijasining falsafijmetodologik asoslari. Avtoreferat diss. dokt.filos.nauk. – 65 b
22. Gaffarova G.G., Abdullaeva M.N. Sufism and “cross-cutting problems” in the interpretation of epistemology // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. –USA, Harrisburg, 2021. №03(95), -P.133-136.
23.
23. Gaffarova, G. G., & Jalalova, G. O. (2021). Human capital as the basis of society development. *ISJ Theoretical & Applied Science*, *04 (96)*, 455-460.
24. Gaffarova, G. (2020). *Chelovecheskij kapital v uslovijah cifrovizacii Uzbekistana*. Intellektual`naja kul`tura Belarusi: duhovno-nravstvennye tradicii i tendencii innovacionnogo razvitija: materialy Pjatoj mezhdunar. nauch. konf. T.2, pp.72-75.